

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕҲНАТНИ РИВОЖЛАНИШИ АЁЛЛАРНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИГА ТАЪСИРИ



Ирматова Азиза Бахрамовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти (DSc), и.ф.н.

E-mail: aziza230480@mail.ru

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда аёлларни интеллектуал меҳнат билан банд бўлиш жозибадорлиги ва муаммолари кўриб чиқилган, хотин-қизларнинг интеллектуал меҳнат билан банд бўлишнинг босқичма-босқич модели таклиф этилган, шунингдек, жаҳонда аёлларни иш билан бандлигининг ретроспектив таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлари: интеллектуал меҳнат, аёлларни иш билан бандлиги, инновацион бандлик.

Аннотация. В статье рассмотрены основные аспекты привлекательности и проблем занятости женщин интеллектуальным трудом в Узбекистане, предложена модель поэтапного перехода к занятости женщин интеллектуальным трудом, а также проведен ретроспективный анализ развития занятости женщин в мире.

Ключевые слова: интеллектуальный труд, занятость женщин, инновационная занятость.

Кириш

Жамиятнинг муқаррар ривожланиш концепцияси аёллар маънавий ва иқтисодий потенциали самарали ва тўлалигича ишлатилишини кўзда тутди. Меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил қилган, кўп қиррали касбий тажрибаси ва маълумот даражаси юқори, уй хўжалигини юритиш бўйича малакага эга, оила ва болалар тарбиясига масъул бўлган аёллар иқтисодиёт, таълим ва маданият ривожига муҳим ҳисса қўшишлари мумкин.

Аёлларни тенг ҳуқуқли меҳнат қилиши, улар иш билан банд бўлиши Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган Конвенциялар ва тавсиялар, Аёллар ахволини яхшилаш бўйича Миллий режа каби асосий методологик ҳужжатларда акс эттирилган. Улар шу тариқа дунё мамлакатларида аёлларни иш билан таъминлаш бўйича ҳуқуқий база ва амалий саъй-ҳаракатларга ҳар томонлама таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигига эришилгандан сўнг инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб халқаро ҳуқуқий-норматив акт Олий Мажлис томонидан ратификация қилинди. Аксарияти БМТнинг аёллар асосий эркинликларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш муаммоларига бевосита даҳлдор бўлган ҳужжатлар, декларациялар, пактлардан иборат бўлган бу актлар ижросини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Республикамизда аёлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳуқуқий даражада миллий механизм яратилган. 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган IV Халқаро аёллар конференциясидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йилда “Ўзбекистон аёлларининг ҳолатини яхшилаш бўйича Концепция” ишлаб чиқилиб, тасдиқланган, шунингдек, 1998 йил 30 мартда Миллий Платформа ва Аёллар ҳолатини яхшилаш бўйича амаллар режаси қабул қилиниб, амалга татбиқ этилган.

Мазкур платформа ва режа эркак ва аёлларнинг ҳақиқий тенглигига эришишга, уларнинг тенг ҳуқуқлиги бўйича миллий механизм шаклланишига ҳамда аёллар борасида барча шаклдаги дискриминацияларга чек қўйилишига катта тўртки бўлди.

Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон Республикаси биринчилар қаторида бир қанча халқаро ҳужжатларга, шу жумладан, БМТнинг “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциясига (1995 йил 6 май), Халқаро Меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1995 йил 6 май), “Меҳнат ва иш соҳасида дискриминация тўғрисида”ги Конвенцияларига қўшилиб, зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олган: хотин-қизларнинг ҳуқуқларини камситмаслик сиёсатини юргизиш, шу мақсадда аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги мавқеини ошириш, ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, айнан ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоялаш борасида тегишли қонун-ҳужжатларни қабул қилиш.

Республика Биринчи Президентининг 1995 йил 2 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг родини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари давлат аёллар ҳолатини яхшилаш бўйича доимий ғамхўрлик қилаётганидан яққол далолат.

Республика Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича республикадаги аёллар жамоат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётидаги иштирокини, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўсишини тўлақонли таъминлашга қаратилган.

Инновацион иқтисодиёт шаклланиши даврида янги тармоқлар, корхоналар вужудга келиб, уларда меҳнат маданиятига, малакасига, профессионаллигига, ижодкорлигига аҳамият берилмоқда. Ушбу ортиб бораётган талаблар аёллар томонидан тайёрлик билан қабул қилинмоқда. Статистикага кўра, аёллар маълумот даражасида кўра нафақат эркакларга етиб олган, балки 12,7% га ошиб кетган. Тадқиқотларга кўра, аёлларнинг бизнеси барқарорроқ ҳисобланади, чунки аёллар бошқараётган фирмаларнинг банкрот бўлиш эҳтимоли камроқ. Аёллар учун инновацияларни инвестициялаш, ходимларнинг маълумоти, уларнинг малакасини ўз вақтида ошириб бориш масалалари биринчи даражадаги масалалардир. Уларнинг фаолияти кўпроқ ишлайдиган ходимларнинг фаровонлиги ва қулайлигига қаратилгандир. Аёлларнинг иш билан бандлигининг экстенсив туридан инновационга ўтиши иқтисодиётдаги ўзига хос бир инқилобдир. Унга ўтиш йўли аёлларнинг иш

билан бандлигининг нопрогрессив, эски, камситувчи шакллардан янги прогрессив, тенг ҳуқуқли шаклларга эволюцион ўтишни назарда тутмоқда.

Ҳозирги шароитда аёлларни иш билан бандлигининг интенсив, инновацион турига ўтиши учун аёлларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаган тарзда давлат томонидан махсус дастурларни ишлаб чиқиш зарур.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Оҳирги йилларда аёлларни иш билан бандлигини инновацион турининг тадқиқотини кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар олиб бормоқда. Аёллар ҳолатининг ўзгариши ва жамиятдаги роли Л. Дегтярь [6] ишларида тадқиқ этилган. Бозор шароитларида эркак ва аёлларнинг касбий карьерасига инновацион ёндашув Л. Прокофьева [7], С. Карташовларнинг [5] тадқиқотларида намоён бўлган. Иқтисодиётнинг норасмий секторида аёлларнинг иш билан бандлиги рус иқтисодчилар З. Хоткина [13], Л. Ржаницына [11], Д. Нестеровалар [9] томонидан ўрганилган.

Маҳаллий олимлар томонидан меҳнат бозорида аёлларнинг ҳолати, ишсизлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси муаммоларига бағишланган махсус тадқиқотлар орасида Р.А.Убайдуллаева (меҳнат бозорида аёллар ҳолати) [12], Д.Х.Бобоназарова (қишлоқ аёллари иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий механизми) [1], А.В.Гонорская (нодавлат нотижорат ташкилотларнинг салоҳиятидан фойдаланиш масалалари) [2], Н.Раҳимова (меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш) [10] каби маҳаллий олимларнинг илмий ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ушбу тадқиқотларда бозор шароитларида эркак ва аёлларнинг касбий карьерасига инновацион ёндашув, иқтисодиётнинг норасмий секторида аёлларнинг иш билан бандлиги, аёлларнинг иқтисодий фаоллигига, аёлларнинг иш билан бандлигига таъсир этувчи омиллар, қишлоқ жойларда аёлларнинг иш билан бандлигини оширишнинг механизм ва йўналишлари таҳлил этилган.

Бизнингча, аёлларнинг инновацион иш билан бандлик муаммолар ўрганилмаганлиги, аёлларни интеллектуал меҳнати орқали иш билан бандлигини ошириш йўналишлари унинг хусусиятлари, ривожланиш йўналишлари, объектив ва субъектив шарт-шароитлари, ушбу ҳолатнинг назарий-методологик асоснинг мавжуд эмаслиги уни тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни олиб боришда анализ ва синтез, статистик-иқтисодий, иқтисодий-математик, тизимли таҳлил, таққослаш усуллардан фойдаланилган. Мазкур усуллардан фойдаланиш орқали республикада хотин-қизларнинг иш билан бандлиги даражаси, таркиби, интеллектуал меҳнат билан бандлик даражаси ва имкониятлари аниқланди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар бир тарихий давр аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлганидек, аёл меҳнатининг мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда. Кўплаб олимларнинг фикрларини жамлаган ҳолда аёллар меҳнат мазмуни ўзининг шахсий биосоциал хусусиятларидан келиб чиқиб, аёл томонидан бажариши мумкин бўлган миқдор ва сифат кўрсаткичларини жамлаган меҳнат функциялари ҳисобланади. Инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида аёллар томонидан


бажариладиган меҳнат функцияларининг сифат кўрсаткичларига эътибор қаратиш зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда аксарият аёллар бажарадиган ишлар жисмоний меҳнат туркумига кирмоқда. Булар асосан ўрта мураккаб ва паст малакали, меҳнат сарфи юқори меҳнат ҳисобланмоқда. Аёлларнинг меҳнат мазмунига касблар ва аёлларнинг ишлаши борасида стереотип қарашлар, маълумот даражасининг пастлиги ва касбий тайёрлаш тизими талаб даражасида эмаслиги, болаларни парваришlash, маиший хизмат соҳаларига етарли даражада инвестициялар ажратилмаётганлиги таъсир кўрсатмоқда. Мазкур омиллар аёлларга ишлаб чиқариш ресурслари, даромад ва иш билан бандликка тўсиқлар қўймоқда. Шунингдек, уйдан ташқари иш билан бандлик ва бола парваришlash, оилавий юмушларни баробар олиб бориш мажбуриятлари аёллар учун жиддий муаммоларга олиб келмоқда. Улар одатдагидей уй ишлари, бола, қари ва касал оила аъзосини парваришlash каби асосий уй вазифаларини бажариш билан машғул. Уй юмушларга аёллар одатда эркакларга нисбатан икки-уч маротаба кўп вақт сарфлашади. Туғриқ ва чақалоқни парваришlash таътили ҳам аёллар иш билан бандлигига салбий таъсир кўрсатади, чунки бу вақт ичида иш берувчилар вакансияларни эркак ишчи кучи билан тўлдиришга ҳаракат қилади.

Ишчи кучи, шу жумладан аёл ишчи кучидан самарали фойдаланиш замонавий ривожланишнинг муҳим шarti ҳисобланмоқда. Аёлларни меҳнат фаоллигининг асосий кўрсаткичи бўлиб, нафақат уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида миқдор жиҳатдан ўсиши, балки уларнинг меҳнат мазмуни ва характери ўзгариши, меҳнати интеллектуаллашиши, уларнинг фаолиятида ижодий, ташкилотчи ва бошқарувчи функциялари кўпайиши уларнинг шахс сифатида шаклланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши даврида аёлларни иш билан бандлигини оширишни шахсий салоҳиятини ривожлантиришга мотивациялашган ижодий интеллектуал меҳнат орқали амалга ошиши мумкин.

Тадқиқотларимизга асосланган ҳолда интеллектуал меҳнатни алоқадорлигини соддалашган квадрант кўринишида ифода этдик.



1-расм. Аёллар меҳнат турларини соддалашган квадрант кўриниши
Манба: муаллиф ишланмаси

Биринчи квадрантда аёлларнинг асосан жисмоний меҳнатга асосланган меҳнат турлари ташкил этади. Булар қишлоқ хўжалиги, қурилиш, оғир саноат тармоқларидаги иш билан бандликни кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Булар, албатта, аёлларнинг саломатлигига негатив таъсир кўрсатиб, иш вақти сарфи юқори, жисмоний зўриқишга асослаган, меҳнатдан қониқиши паст, монотон, янгиликни ўз ичига олмайдиган, паст малакали меҳнатдир. Бу меҳнат билан республикада хисоб-китобларимизга кўра аёлларнинг 36,2% банд.

Иккинчи квадрантга ақлий меҳнат элементлари билан жисмоний меҳнат билан бандларни, тўқимачилик, тикувчилик, транспорт, озиқ-овқат тармоқларида иш билан банд аёлларни киритишимиз мумкин. Бу меҳнат асосан жисмоний меҳнатга асосланган бўлиб, маълум бир даражада касб-малакани талаб этадиган, бир оз янгилик ва ижодкорлик элементларини ўз ичида оладиган фаолият турларини назарда тутмоқда. Интеллектуал - ақлий меҳнат жисмоний меҳнат билан баробарида жалб қилинган. Бу меҳнатда ҳам ижодкорлик хусусияти талаб этилади, лекин у муҳим даражада эмас, кўпроқ ишни қандай бажарилишини билиш кифоя. Асбоб ускуналарни созлаш ва таъмирлаш, агротехник, транспортировка, маҳсулотларни қадоқлаш ва сақлаш, тикувчилик, хамширалик. Бу тармоқларда ҳисоб-китобларимизга кўра аёлларимизнинг 25,6 % банд.

Учинчи квадрант ақлий меҳнатга асосланган, лекин ишни самарали бажариш учун жисмоний кучни сарфлашни ҳам кўзда тутадиган фаолият турларини мужассамлаштирган. Бундай меҳнатга ижодий, креативлик ёндашиш, маълум бир таҳлилни амалга ошириш, техник ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида ишланмалар киради. Бизнес ва тадбиркорлик, телекоммуникация, молия соҳасида иш билан бандлик, ташкилотчилик, ўқитувчилик ишлари. Шу каби касб эгалари, бизнингча, республикаимизнинг 30,8 % бандларни ташкил қилмоқда.

Ва, ниҳоят, тўртинчи квадрант юқори маълумотли, малакаси баланд, ўз ишида креативлик, ижодкорлик элементлари орқали янгилик яратувчи, ўқитувчилар, тадбиркорлар, олималар, бошқарувчилар, молия, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, информатика соҳа ходимларини кўрсатишимиз мумкин. Бу меҳнатнинг натижаси, албатта, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, натижалар, интеллектуал мулклар ҳосил бўлади. Бундай аёллар бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра 7,4% ташкил қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ҳар бир квадрантда интеллектуал меҳнат элементлари мавжуд бўлиши мумкин. Меҳнат фаолияти давомида меҳнат жараёнида янги ғоя, технология, бажариш услубиёти ўзгариши ва шу сабабли меҳнат унумдорлигининг ошиши, ҳаражатларнинг камайиши, маҳсулот сифатининг ошиши, янгилик (инновация) жорий этилиши билан интеллектуал меҳнат элементларидан фойдаланилган, деб эътироф этиш мумкин.

Аёлларни меҳнатининг тадрижий ривожланиши ҳам худди шу квадрантларда кўрсатилганидек амалга оширилган.

Европада индустриал муносабатларнинг бошлангунга қадар аёллар меҳнати уй хўжалигида, маълум бир хунармандчилик фаолиятига йўлантирилган аёл цехларида, уй хизматкорлари сифатида қўлланилган.

XVIII-XIX асри саноат инқилоби таъсирида машинали ишлаб чиқариш жорий этилганлиги туфайли пастмалакали арзон ишчи кўига талаб ошиб, фабрикаларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш амалиёти кенгайди. Айнан шу даврда жамиятдаги аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида биринчи чиқишлар намоён бўлди. Аёлларни барча соҳаларда тенгҳуқуқлигини таъминлаш ғояларини Ж.А. Кондорсе, Олимпия деГуж, Жан Жак Руссо, Вольтер, Дидро каби мутафаккирлар олға сурган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб тамаки, тўқимачилик, тикувчилик каби аёлбоп саноат тармоқлари вужудга келди. 1839 йилда Буюк Британияда пахта титиш фабрикаларида аёллар ишчи кучининг 56,2%, мато ишлаб чиқарувчи фабрикаларда 69,5%, ипак тўқувчи фабрикаларда 70,5% ташкил қилган [14]. Индустириал жамиятда аёллар иш билан бандлиги эволюциясининг биринчи босқич хусусиятларини белгилаб берувчи аёл иш билан бандлигининг тарихан янги шакли - жамоавий ташкил этилган ёлланма аёл меҳнати вужудга келди. Шу билан бирга уй хизматкорлиги аёл иш билан бандлигини шакли сифатида ўз аҳамитяини йўқотмасдан XIX асрнинг охириларигача ўз мавқеини сақлаб қолган. XIX асрнинг 70-80 йилларда Англия, Швеция, Францияда уй хизматчиси сифатида меҳнатга лаёқатли ешдаги аёлларнинг 10-12% банд эди.

XIX асрнинг иккинчи ярми янги аёлбоп касблари – идора ва савдо соҳасида хизматчилар, хамширалар, ўқитувчилар, телефонистлар ва бошқа шу каби касбларнинг пайдо бўлиши билан белгиланди. 1900 йилда АҚШда савдо соҳасида аёллар 24,2%, стенографияда 76,7%, телефония ва телеграфда 29,8%, бухгалтерияда 28,8%, ўқитувчилар 73,4% ташкил қилган. Англияда ўқитувчилик соҳасида аёллар XIXнинг 60 йиллардан кўпайган [15].

Бу давр аёлларнинг меҳнат фаоллигининг ортиши билан кузатилган, баъзи бирлари хусусий бизнес билан шуғулланишни бошлаган. XX асрнинг бошларига ривожланган индустириал давлатларда хусусий бизнес билан аёлларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги тўртдан бир қисми (АҚШ, Швеция) ва ундан юқори (Австрия, Франция) қисми шуғулланган. Асрнинг ўрталарига келиб, аёллар иқтисодий фаол аҳолининг 25-40% ташкил қилган, уларнинг аксарият қисми ёлланма ходимлар эди. 1970 йилда Францияда уларнинг салмоғи 56%, Италияда - 60, Германияда - 75, АҚШда – 90, Швецияда - 91, Англияда - 92% ташкил этган. Ишлаётган аёлларнинг 5% дан 15 % гача хусусий бизнес доирасида мустақил меҳнат билан банд эди.

XX асрнинг 60 йилларгача аёллар меҳнат асосан паст малакали меҳнат бўлиб қолаверган. Е. Малевичнинг тадқиқотларига кўра АҚШда бундай меҳнат билан ишлаётган аёлларнинг 80% банд эди. Саноатда малакали ишчи аёллар 15% ташкил этган. 1970 йилларда америка шифокорларининг 8% аёллар, юристларнинг 4%, инженерлар 0,7% эди [8].

Аёл ва эркак меҳнатида малака фарқлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва таълим олишда аёлларнинг камситишлари аёлларни ҳуқуқларини ҳимо қилишга қаратилган турли хил ҳаракатлар вужудга келиши бошлади. Уларнинг асосий мақсади ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, авваламбор иш билан бандлик соҳасида аёлларни ҳуқуқларини таъминлашдир.

Бу аёл иш билан бандлиги соҳасида чуқур ўзгаришларга олиб келиб, XX асрнинг охириларига келиб, янги постиндустириал босқичнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Унинг асосий жиҳатлари куйидагича бўлди:

Биринчидан, ижтимоий меҳнат ўз ичига тобора кўп аёлларни қамраб олди. Агар 1965 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг АҚШда 26%, Буюк Британияда - 32%, Францияда - 28%, Швецияда - 36% и банд бўлган бўлса, 1993 йилда бу кўрсаткич мос равишда 63, 59, 56, 78% [9] ни ташкил этди. Меҳнат фаолияти билан банд бўлган аёллар сонининг ошиши, охириги йилларнинг энг муҳим ўзгаришлардан бири саналади.

1-жадвал

Аёл иш билан бандлигининг тадрижий босқичларининг таснифи

Аёл иш билан бандлигининг эволюцион босқичлари	Индустриал олди давр	Индустриал давр		Постиндустриал давр	Ахборот даври
	Кечки ўрта аср	XVIII асрнинг охири – XIX ўрталари	XIX асрнинг ўрталари - XX охири	XX асрнинг охири	XXI аср бошлари (тенденция)
Ишлаб чиқариш омиллари	Цехли ишлаб чиқариш, Кўп майда товар ишлаб чиқарувчилари, ёрдамчи ишчиларга талаб	Саноат инқилоби, машинали ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, паст малакали ишчиларга катта талаб	Ички бозорларнинг ривожланиши, янги технологиялар асосида янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, ишчи кучининг малакасига эътибор кучайиши	Халқаро бозорларнинг ривожланиши, юқори малакага эга бўлган ишчи кучини талаб қиладиган илм-фан тармоқлари нинг жадал ривожланиши	Ахборот технологияларнинг жадал ривожланиши ва фаолиятнинг барча соҳаларига юқорималакали ходимларга бўлган талаб кўпайиши ности
Ижтимоий ишлаб чиқаришда аёлларнинг иштирок даражаси	Касбий меҳнат бозоридан аёлларнинг четланиши	Аёлларни жамоат ёлланма ишларига жалб этилиши	Аёлларнинг маълум бир қисмнинг (турмушга чиқмаган, болалари катта аёлларни) жалб этилиши	Меҳнат фаолиятига аёлларнинг аксарият қисми жалб этилиши, “ишлаётган она” модели қўлланилиши	Иш билан банд аҳолида аёл ва эркакларнинг салмоғи тенглашиши
Аёл меҳнатини қўллаш соҳалари	Оилавий уй-хўжалиги, уй хизматкори	Фабрикаларда иш билан бандлик: тўқимачилик, тикув, тамаки тармоқларида, уй хизматкори	Телефон алоқа ходмлари, хамширалик, сотувчилик, ўқитувчилик, биринчи хусусий тадбиркор аёллар	Молия ва ин-форматика, тиббиёт, бошқарув, ҳуқуқшунослик, фан соҳаларида аёлларнинг иш билан бандлиги	Аёл ва эркак меҳнати орасида чегараларнинг йўқолиши
Аёл меҳнатининг малака даражаси	Жуда паст	Жуда паст	Паст	Малакали аёл меҳнатининг устуворлиги (таълим олиш мавжудлиги)	Меҳнатнинг юқори малака кўрсаткичлари

Манба: муаллиф томонидан тузилган

Иккинчидан, аёл меҳнати малакасининг даражаси ошмоқда. Масалан, Германияда 1976 йилдан 1994 йилгача малакали аёл ходимларнинг салмоғи иш билан банд аёлларга нисбатан 49,4 дан 69,7% гача ошган. Францияда эса бу кўрсаткич 56% гача, раҳбарлик лавозимларда 34% гача ошган [15].

Учинчидан, аёл иш билан бандлиги таркиби ўзгармоқда. “Ишлаётган она” модели вужудга келган.

Тўртинчидан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида жинсга кўра касбий сегрегация даражаси камайиб бормоқда.

Америкалик футурологлар Дж. Нэсбитт и П. Эбурдин гипотезасига кўра ахборот инқилоби даврида аёлларнинг рақобатбардошлигининг юқорироқлиги “ахборот жамиятида аёллар ходим, профессионал ва тадбиркор сифатида ҳукмронлик

қилмоқда. Агар одатий саноат ходими бўлиб эркак саналган бўлса, типик ахборот ходими аёл бўлиб қолди”.

Хулоса ва таклифлар

Ахборот инқилоби даврида аёллар ўз ҳуқуқ ва имкониятларини кўпроқ ҳис этиб, ижтимоий ва меҳнат ҳаётига ишончи ошириб бормоқда. Бу тенденция аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатларда аёлларни таълим олиш имкониятларини кенгайтириб, шу орқали касбий даражасини ошириб, иш билан таъминланиш имкониятларини кенгайтирди. Масалан, Японияда 1980 йилларнинг охирида аёлларнинг ярми ўрта ва олий маълумотга эга бўлган. Аёлларнинг юқори маълумотлилиги меҳнат бозорида фаоллигини ошишига замин яратади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида аёлларнинг кенгайтирилган имкониятлари аёл иш билан бандлигининг янги сифат босқичига ўтилганлигини қайд этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобоназарова Д.Х. Қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Дис ... док. экон. наук 08.00.10. — Т, 2019.

2. Гонорская А.В. Обеспечение занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на примере женской занятости). Дис ... канд. экон. наук 08.00.10. — Т, 2002. — С. 72

3. Ирисова М.У. Занятость женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф дис ... канд. экон. наук 08.00.10. — Т., 1995. — 23 с.

4. Ирматова А.Б. Развитие инновационного типа занятости женщин. Двадцать восьмые международные Плехановские чтения, Москва, 2015.

5. Карташов С. и др. Поиск работы: проблемы и решения. М, 1995. с.87

6. Л. Дегтярь. Процесс трансформаций и положение женщины // Вопросы экономики. 2000.С.66-73

7. Л. Прокофьева. Профессиональная карьера мужчин и женщин. М. 1998. - С. 74-83;

8. Малевич Е. Женская занятость в развитых индустриальных странах.// Человек и труд. - 1997. -№3.-С.65-71

9. Нестерова Д. Инвестиции в человеческий капитал в переходный период России. М. 1998.

10. Рахимова Н.Х. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. Дис ... док. экон. наук 08.00.10. — Т, 2008.

11. Ржаницына Л. и др. Женщина на рынке труда //Общественные науки и современность, 1992.

12. Убайдуллаева Р.А. Женский труд в колхозах Узбекистана (на материалах Таш. области). Дис ... канд. экон. наук 08.00.10. — Т, 1964. — 217 с

13. Хоткина. Женская безработица и неформальная занятость в России./ Вопросы экономики №3.2000.с.85-93.

14. Women and Social Policies: Work, Family and the State. - Aldershot, 1999. P.72

15. Works in an Integrating World/ World Bank, Oxford Un. Press, 1995. P. 47